

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 2 » **ОКТАБРЬ** 20 **18** у.

№ **785**

Toshkent sh.

**Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида
“Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш”
(2-қўшимча молиялаштириш) лойиҳасини амалга оширишга доир
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни таъминлаш учун молиявий ресурсларни жалб этишни кенгайтириш, энергия самарадорлигини ошириш ҳамда энергияни тежайдиган асбоб-ускуналар ва технологияларни жорий этишни жадаллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2011-2015 йилларда 16,5 млн. махсус қарз олиш ҳуқуқлари (25 млн. АҚШ доллари эквивалентида) жалб этилган ҳолда, Жаҳон банки билан биргаликда “Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳаси амалга оширилганлиги;

2013 йилдан буён лойиҳа Халқаро тараққиёт уюшмасининг (ХТУ) узоқ муддатли молиявий ресурсларидан 66,1 млн. миқдоридаги махсус қарз олиш ҳуқуқлари (100 млн. АҚШ доллари эквивалентида) асосида қўшимча молиялаштирилган ҳолда амалга оширилаётганлиги;

лойиҳа доирасида йилига 505,1 млн. кВт/с электр энергияси ва 187,7 млн. м. куб табиий газ иқтисод қилишни таъминлайдиган энергия самарадор ускуналар ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича умумий қиймати 150,2 млн. АҚШ доллари бўлган 82 та инвестицион лойиҳа амалга оширилганлиги;

Жаҳон банкининг Директорлар кенгаши Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг (кейинги ўринларда ХТТБ деб аталади) 5 йиллик имтиёзли даврни қўшиб ҳисоблаганда қайтариш муддати 25 йил бўлган 200 млн. АҚШ доллар миқдоридаги қарз маблағларини тақдим этиш билан “Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш (2-қўшимча молиялаштириш)” лойиҳасини (кейинги ўринларда Лойиҳа деб аталади) 2018 йил 30 январда маъқуллаганлиги;

2018 йил 17 майда Америка Қўшма Штатларига давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси номидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан ХТТБ билан Қарз битими имзоланганлиги;

2018 йил 24 майда иштирок этувчи тижорат банклари – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, “Асака” АТБ, “Ҳамкорбанк” АТБ, “Asia Alliance Bank” АТБ, “InfinBank” АТБ (кейинги ўринларда иштирок этувчи тижорат банклари деб аталади) – ХТТБ билан Лойиҳани амалга ошириш тўғрисида битимлар имзолагани ва лойиҳа битимлари шартларига мувофиқ Лойиҳани бажариш мажбуриятларини ўз зиммасига олгани;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига Ўзбекистон Республикаси номидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва иштирок этувчи тижорат банклари билан ХТТБнинг қарз маблағларини қайта кредитлаш тўғрисидаги битимларни имзолаш ваколати берилгани;

Лойиҳани амалга ошириш даври 5 йил (2018-2022 йй.) этиб белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

ХТТБнинг 199,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги қарз маблағларининг бир қисми иштирок этувчи тижорат банкларига саноат корхоналарининг энергия самарадор ускуналар харид қилиш ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун револьвер кредит линияси (“Б” компоненти – “Иштирок этувчи тижорат банклари учун кредит линияси”) шаклида қайта молиялаштирилади;

агар Жаҳон банки билан бошқача тарзда келишилмаган бўлса, саноат корхоналарига ХТТБ қарз маблағлари ҳисобидан тақдим этиладиган кредитнинг максимал суммаси битта субзаем олувчи ташкилот учун 10 млн. АҚШ долларидан, битта соҳадаги саноат корхоналари учун тақдим этиладиган кредитларнинг максимал суммаси 30 млн. АҚШ долларидан ошмаслиги керак;

ХТТБ қарз маблағларининг 1 млн. АҚШ доллари миқдоридаги қисми техник кўмаклашишни (“А” компоненти – “Энергия самарадорлиги соҳасидаги салоҳиятни ошириб бориш ва лойиҳани бошқариш”), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 25 июлдаги 211-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган Лойиҳани мувофиқлаштириш гуруҳи фаолиятини келгусида молиялаштириш орқали Лойиҳанинг амалга оширилишини умумий мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилади;

Лойиҳани мувофиқлаштириш гуруҳининг штат жадвали ва ҳар йиллик молиялаштириш сметалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан мажбурий тартибда келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади;

аввалги линиялар бўйича ва ушбу Лойиҳа маблағларидан кредит олган субзаем олувчи ташкилотлар томонидан қайтариладиган маблағлар иштирок этувчи тижорат банклари томонидан револьвер асосида қайта кредитлаш тўғрисидаги битимлар бўйича ресурсларни қайтариш ҳисобга олинган ҳолда маблағлар қолдиғи доирасида саноат корхоналарининг энергия самарадор

ускуналарни харид қилиш ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини келгусида молиялаштиришга йўналтирилади.

3. Куйидагилар:

“Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳасини амалга ошириш доирасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг қарз маблағларини жалб этиш жадвали 1-иловага мувофиқ;

“Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳасини амалга ошириш доирасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг қарз маблағларини қайтариш, фоизлар ва воситачилик ҳақини тўлаш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Лойиҳани умумий мувофиқлаштириш ва Лойиҳанинг «А» компонентини амалга ошириш учун масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

иштирок этувчи тижорат банклари Лойиҳанинг «В» компонентини амалга ошириш бўйича ижро этувчи органлар ҳисобланади ва ХТТБ қарз маблағларини улар томонидан қайта молиялаштириладиган қисмини мақсадли ва самарали ишлатилиши учун жавоб берадилар;

иштирок этувчи тижорат банклари ХТТБнинг қайта молиялаштириладиган қарз маблағлари ҳисобидан энергия самарадор инвестиция суб-лойиҳаларини амалга оширишни молиялаштириш учун қайтариш, тўлов ва муддатлилик шартларида ўз номидан кредитлар беради;

суб-лойиҳаларнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда Лойиҳа доирасида иштирок этувчи тижорат банклари томонидан хорижий валютада кредит маблағларини 10 йил муддатгача беришга рухсат этилади;

ХТТБ қарз маблағларини қайтариш, шунингдек, мазкур қарз маблағлари бўйича фоизлар, воситачилик ҳақлари ва бошқа харажатларни тўлаш иштирок этувчи тижорат банклари томонидан қарз суммасининг қайта молиялаштириладиган қисми бўйича ўз маблағлари ва Лойиҳанинг “А” компоненти қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Жаҳон банки билан келишилган ҳолда зарурат бўлганда, иштирок этувчи тижорат банклари фаолиятини ушбу Лойиҳа доирасида таҳлил қилиш асосида уларнинг таркибини кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси билан ХТТБ ўртасидаги Қарз битими, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва иштирок этувчи тижорат банклари ўртасида қайта кредитлаш тўғрисидаги битимлар бўйича белгиланган тартибда юридик хулоса берсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва иштирок этувчи тижорат банклари билан биргаликда Лойиҳани амалга ошириш ҳисобга олинган ҳолда кредитлар бериш тартибини, молиялаштирилаётган суб-лойиҳаларни баҳолаш ва танлаб олиш мезонларини, шунингдек, молиявий бошқариш, харидлар, лойиҳанинг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиб-таомилларини белгилайдиган Лойиҳа бўйича Операцион қўлланмани бир ой муддатда қайта ишлаб чиқилишини ва Жаҳон банки билан келишилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси белгиланган тартибда суб-лойиҳалар ва субзаем олувчи ташкилотларнинг атроф-муҳитга таъсир тўғрисидаги аризаларининг давлат экологик експертизасини ўтказилиши, шунингдек, Лойиҳа талабларига мувофиқ суб-лойиҳаларнинг атроф-муҳитга таъсири бўйича тоифаларини аниқлашни таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг буюртманомалари бўйича Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кириш визалари консуллик ва бошқа йўғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг буюртманомалари бўйича Лойиҳани амалга оширишда қатнашувчи хорижий мутахассисларга давлат божи ундирилмасдан кўп марталик кириш визалари берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикасида вақтинча рўйхатга олиниши ва унинг муддати узайтирилишини таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

*) Иловалар рус тилидаги матнда берилган.